

Андижон шаҳри

2022 йил 29 январь

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган Олтинкўл ТИФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори Н.Усмонов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎЗР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Олтинкўл тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини сақлаш ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Олтинкўл тумани ҳудудидан ўтувчи маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини сақлаш ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларига кўзда тутилган маблағ тўловини, шунингдек корхонанинг маъмурий бошқарув апаратини сақлаш харажатларини амалдаги қонунга асосан белгиланган тартибда молиялаштиришни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 416 526 000 (Тўрт юз ўн олти миллион беш юз йигирма олти минг) сўми ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдорида олдиндан аванс тариқасида **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. **“Буюртмачи”** томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан **“Пудратчи”** томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунини **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. **“Буюртмачи”** охириги тўловни **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. **“Пудратчи”**нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. **“Буюртмачи”**нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. **“Буюртмачи”**нинг ҳуқуқлари

“Пудратчи”дан бажариладиган сақлаш ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига беvosита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нухада тузилиб, иккала нухаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

Олтинқўл ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Олтинқўл тумани Олтинқўл

Шоҳ кўчаси 27-уй

Тел./факс: 74 354-64-51

х/в 22626000700277821003

Банк номи: “Ипотекабанк” Истиклол бўлими

МФО: 00068 ИНН: 200254880

ОКОНХ: 42110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 304510860034017045163118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010


Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919



Директор:

 Н.Усмонов



Бошлик:

Т. Қараев

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

 А.Мамажонов

Олтинкул ТЎФУК томонидан бажариладиган сақлаш ишлари қиймати ва ишларни бажариш жадвали

Йил	Йўл рақами	Йўлнинг номи	Йўлнинг узунлиги км	Смага нархи жами минг сўм	2022 йил 1-чорақ режа						2022 йил 2-чорақ режа						2022 йил 3-чорақ режа						2022 йил 4-чорақ режа																	
					1-чорақ		2-чорақ		3-чорақ		4-чорақ		1-чорақ		2-чорақ		3-чорақ		4-чорақ		1-чорақ		2-чорақ		3-чорақ		4-чорақ													
					январь	февраль	март	апрель	май	июн	июл	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль	март	апрель	май	июн	июл	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь												
1	2	Махаллий асфалт/бетон йўли	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30										
1	4К-98	"Жалобек к. - Темирхўжа к. - Иктымол к."	7	14 229	4 743	4 743	4 743	4 743	0																															
2	4К-98-а	"Оқушли қаваклар шифохонага"	2	4 065	1 355	1 355	1 355	1 355	0																															
3	4К-99	"Қорақоғоқ к. - Қўшарик к. - Дўрмон к."	8	16 263	5 421	5 421	5 421	5 421	0																															
4	4К-99-а	"Ўртағарик к. - Қўшарик к. - Дўрмон к."	6	12 195	4 065	4 065	4 065	4 065	0																															
5	4К-100	"Оқсала к. - Саховат к. - Дўлон к."	8	16 263	5 421	5 421	5 421	5 421	0																															
6	4К-101	"Мамасоғунок к. - Дулан к."	5	10 164	3 388	3 388	3 388	3 388	0																															
7	4К-113	"Қўштепа к. - Эшон к. - Шерашик к."	5	10 164	3 388	3 388	3 388	3 388	0																															
8	4Н-1093	"Ўйини - Голосор-Иктымол"	8	16 263	5 421	5 421	5 421	5 421	0																															
9	4Н-1093-а	"Миробод к. - Қўшарик к. - Дўрмон к."	5	10 164	3 388	3 388	3 388	3 388	0																															
10	4Н-1094	"Олтинкул к. - Қўшарик к."	8	16 263	5 421	5 421	5 421	5 421	0																															
11	4Н-1102	"Қўштепа к. - Аҳмад к."	3	6 099	2 033	2 033	2 033	2 033	0																															
12	4Н-1102-а	"Қўшарик к. - Қўшарик к."	3	6 099	2 033	2 033	2 033	2 033	0																															
13	4Н-1119	"Иктымол к. - Тожиқилоқ к. - Маслахат"	6	12 195	4 065	4 065	4 065	4 065	0																															
14	4Н-1122	"Оқсала к. - Қўшарик к. - Қўштепа к."	6	12 195	4 065	4 065	4 065	4 065	0																															
15	4Н-1139	"Алликен ш. - Даварган к. - Қўшарик к."	6	12 195	4 065	4 065	4 065	4 065	0																															
16	4Н-1139-а	"Қўшарик к. - Қўшарик к."	2	4 065	1 355	1 355	1 355	1 355	0																															
17	4Н-1145	"Оқсала к. - Ўртағарик к. - Иктымол к."	4	8 405	2 808	2 808	2 808	2 808	0																															
Жами			92	187 286,00	62 435	62 435	62 435	62 435	0																															
АУП харajatлар 1-чорақ				229 240,0	76 406	76 407	76 407	76 407	0																															
Халқис:				416 526	138 841	138 842	138 843	138 843	0																															

"ПУДРАТЧИ"

Олтинкул ТЎФУК директори
Н.Усмонов



Т.Қараев